

# CHORVACHILIK VA NASLCHILIK ISHI

ISSN-2181-9459

Ilmiy-amaliy jurnal

№01 2021

– Отамдек билимдон, эл ташвиши билан яшайдиган танти чорвадор бўлишга интиляпман. 5 километр узоқликдан отамнинг номи билан аталган қишлоқ – Мўминободга сув олиб келдим. Боғ яратдим, экотуризм орқали Ўзбекистонни, отамнинг руҳлари кезиб юрган гўшани дунёга машҳур қилмоқчиман, – дейди 800 бошдан ортиқ қўй-қўзилару, 170 бошдан зиёд йилқиларни парваршлаётган оҳангаронлик тадбиркор Ойбек Холтўраев.

Дарвоқе, у шу йил 1 январь кун 50 ёшга кирди ва биз уни бу қутлуғ сана билан самимий табрикладик. Сизга кўз тегмасин, эзгу ниятларга етинг, элнинг дуосини олинг, дедик.



# СУНЬИЙ УСУЛДА ОНА АСАЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ПАЙВАНДЛАШ РОМКАЛАРИДАГИ ЛИЧИНКАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ



УДК: 638.145.5 Тўраев Омон Сафарович, қ.х.ф.н катта илмий ходим (ЧПИТИ),  
Махмадияров Отабек Ахаткулович,  
қ.х.ф.ф.д. (PhD) (Сам ВМИ),  
Азизова Нодира Абдувоҳидовна,  
(БДУ) Биология кафедраси ассистенти, мустақил изланувчи

**Аннотация:** В статье приведены сведения о степени их внедрения при искусственной сварке личинок пчел в восковых стаканчиках между рядами сварочных рам.

**Summary:** the article presents the results on the number of larvae intake in wax cups during artificial withdrawal of queens in the uterine excretory frames.

**Калит сўзлар:** пайвандлаш ромкаси, личинка, планка, мум косачалари, етим, энага, тарбияловчи оила.

**Мавзунинг долзарблиги.** Асаларичиликда она асалари етиштириш икки хил усулда яъни табиий ва сунъий усулда етиштирилади. Ҳозирги кунда сунъий усулда она асалари етиштириш кенг тус олган. [3] Сунъий усулда она асалари етиштириш даврида пайвандлаш ромкалари катта аҳамиятга эга. [1]

Пайвандлаш ромкалари оддий асалари ромкаларига ўхшаш бўлиб, у озгина ингичка юпка ҳажимга эга, пайвандлаш ромкаларининг ички ўрта қисмида, ўз ўқи атрофида айланадиган, уч қатор рейкаларига эга. Биринчи қатор ромкани юқори елка қисмдан 70 мм пастрокда, иккинчи ва учинчи қаторлар оралиғи эса бир-биридан 30 мм масофа оралиғида ўрнатилган бўлади. [2]

**Тадқиқот ўтказиш жойи ва услуби.** Тадқиқотлар Бухоро вилояти Вобкент туманидаги “Саидов Санжар Санаевич” асаларичилик дехкон хўжалигида олиб борилди. Хўжаликда маҳаллий популяциядаги асалариларга мансуб 270 та асалари оиласи мавуд. Сунъий усулда она асалари етиштиришда олдиндан тайёрлаб қўйилган, пайвандлаш ромкаларининг ҳар бир қаторига 25-30 тадан мум косачалари ўрнатилди. Мум косачалари ўрнатилган пайвандлаш ромкаларини бир муддат тарбияловчи асалари оилаларига қўйиб

чикилди. Бу даврда ишчи асаларилар мум косачаларини шаффофлайди, уларни эса личинкаларни ўтказишда тайёрлайди.

**Тадқиқотлар натижалари.** Сунъий усулда она асалари етиштиришда, уларнинг личинкаларини қабул қилинишида кўпгина омиллар сабаб бўлади. Булардан ҳаво ҳарорати, табиатдан гулчанг ва гулширани келиши, тарбияловчи оила кучи ва у қандай тартибда тайёрланганлиги, асалари зоти ва олинган личинка ёши каби кўплаб омиллар сабаб бўлади.

Тадқиқотларимиз даврида, пайвандлаш ромкаларида ўрнатилган планка қаторларини жойлаштирилишга қараб, мум косачаларида ўтказилган личинкаларнинг қабул қилиниши ҳам, ҳар учала планкаларда бир-биридан фарқ қилиниши кузатилди.



Шу мақсадда 2018-2019 йилларда Бухоро вилояти Вобкент туманидан "СаидовС.С." асаларичилик хўжалигида маҳаллий популяциядаги асалариларда ўтказилган тажрибаларда, пайвандлаш ромкаларидаги планкаларни ҳар бирида 24 донадан бир кунлик асалари личинкалари ўтказилди ва улар тарбияловчи асалари оилаларига тарбиялаш учун берилди. Тарбияловчи асалари оилаларидан бир кун олдин, унинг онаси олиб қўйилди ва улар ўзларини етимлигини бутунлай сезгач, уларга пайвандлаш ромкалари берилди. Тарбияловчи оилалар 2,5-3,0 кг кучга ва 8-10 кг, озука асалга эга эди. Ҳамда уяда олти рамкаларда, ҳар хил ёшдаги ишчи асаларилар бор эди. Пайвандлаш ромкаларидаги личинкаларнинг қабул қилиниши тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал маълумотларини кўрсатишича 2018 йил тадқиқот натижаларида энг кўп личинкалар пайвандлаш ромкаларидаги иккинчи қаторда бўлди. Бу қаторларда берилган жами 60 дона асалари личинкаларидан 54 таси қабул қилинди ёки бу ўрта ҳисобда 90,0% ни ташкил этди. Бу биринчи қатордагиларга нисбатан 2,0 донани ёки 103,8% ва учинчи қаторга нисбатан 1,0 донага ёки 101,8% га кўпдир. Энг кўп қабул қилинган личинкалар сони, пайвандлаш ромкаларининг иккинчи қаторида бўлди.

1-жадвал.

Пайвандлаш ромкасидаги қаторларнинг яқинлашишга қараб асалари личинкаларини қабул қилиниши (дона)

Йиллар	Кўрсаткич	Личинка берилди (дона)	Қабул қилинди (дона)	%
2018	Биринчи қатор	60	52	86,6
	Иккинчи қатор	60	54	90,0
	Учинчи қатор	60	53	88,9
2019	Биринчи қатор	62	55	88,7
	Иккинчи қатор	62	57	91,9
	Учинчи қатор	62	59	95,2

Худди шундай, манзара, 2019 йилги ўтказилган тажрибаларимизда ҳам кузатилди, пайвандлаш ромкасидаги иккинчи қаторга берилган 62 та личинкалардан 57,0 таси қабул қилинди. Бу эса 91,9 % ни ташкил этган. Ёки бу биринчи ва учинчи қаторларга нисбатан 88,7 % ва 95,2 % га кўпдир.

2019 йилнинг баҳори жуда яхши келганлиги, даладан гулшира ва гулчанларни келиши сероб бўлганлиги сабабли, тарбияловчи асалари оилала-

рида личинкаларни тарбиялашга қабул қилиниши ўтган йилга нисбатан анча яхши бўлди ёки бу 95,6 % ни ташкил этди. ( $R > 0,999$ ).

Шуларни ҳисобга олиб 2019 йилда, пайвандлаш ромкаларининг ҳар бир планкаларидаги асалари личинкалардан етиштирилган она асалариларнинг вазнини ўлчаб олдик. Бу тўғридаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Пайвандлаш ромкалари қаторларидан етишиб чиққан она асаларилар вазни (мг)

Кўрсаткичлар	n	Lim	M + m	Cv %
Биринчи қатор	200	186,1 - 206,2	196,1 ± 2,1	2,99
Иккинчи қатор	200	182,3 - 209,4	195,8 ± 2,4	3,55
Учинчи қатор	200	183,1 - 208,3	195,7 ± 2,0	2,85

2-жадвал маълумотларидан кўринаяптики, пайвандлаш ромкаларидаги планкаларидаги гуруҳларида ўтказилган личинкалардан етишиб чиққан она асаларилар вазнига ишончли фарқ сезилмади, фақатгина пайвандлаш ромкаларидаги учинчи қатордан етишиб чиққан она асаларилар вазни иккинчи қаторга нисбатан бир оз 1,9% га (195,7) мг енгилроқ бўлган.

**Хулоса:** Шундай қилиб, асаларичилик наслчилиги ва фермер хўжаликларида оммавий равишда сунъий усулда она асалари етиштириш даврида, пайвандлаш ромкаларидаги биринчи ва иккинчи қаторларда пайванд қилинган, асалари личинкаларидан етиштирилган она асаларилардан фойдаланиш ҳамда ҳаваскор асаларичиларга эса фақатгина иккинчи қатордан етиштирилган она асаларилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

#### Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Бородачев А.В., Малков В.В. На прививочной рамке ж.Пчеловодство, 1988, №6, стр 12-13.
2. Камиссар А.Д. Расположение прививочных рамок в семье воспитательнице ж.Пчеловодство, 2005, №6, стр.18-20.
3. Тўраев О.С., Дониоров С.Т., Азизова Н.А., Махмадияров О.А. Сунъий усулда она асалари етиштиришда личинкаларни пайвандлашнинг муҳим босқичлари. Ипакчилик илмий-тадқиқот институти-ни 90 йиллиги "Сифатли ва ракобат бардош пилла етиштиришнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги республика илмий-техникавий анжумани материаллари. Тошкент, 2017, 294-301 бетлар.